
Тумандаги таълим муассасаларида байрам тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

Баҳор янгилини ва ёшариш фасли. Баҳорнинг илк кунлари гўзал хотин-қизларимизнинг байрами бўлмиш “Халқаро хотин-қизлар куни”ни нишонланиши ҳам ушбу фаслга ўзгача гўзаллик бахш этади.

Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келади.

Шу муносабат билан тумандаги барча таълим муассасаларида 8-март “Халқаро хотин-қизлар куни” ўзгача кайфиятда, кўтаринки руҳда нишонланди.

Кун аввалида, эрта тонгда ўқувчи йигитлар аёл устозларини байрамона кайфиятда кутиб олдилар, ҳар бир таълим муассасаларида иқтидорли ўқувчилар томонидан байрам тадбирлар ўтказилди. Ўқувчилар томонидан ижро этилган шеър, қўшиқ, рақс ва сахна кўринишлари барчага бирдек мамнун бўлди.

Шунингдек ўқувчи қизлар ўртасида миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган турли ҳил йўналишларда кўрик танлов ва беллашувлар бўлиб ўтди.

Байрам тадбирлари туман миқёсида кенг нишонланмоқда.

2023-03-07 16:44:36